**2007 йил, 17 сентябрь, душанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 180 (10.989) | Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг «Саноат ишлаб чиқаришида кичик тадбиркорлик улушини ошириш муаммолари ва бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўллари» мавзуидаги давра суҳбатида республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улушини кўпайтириш истиқболлари муҳокама этилди.**

**● Бугун Тошкентда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси ўз ишини бошлади.**

**● Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллик юбилейи арафасида адибнинг уй-музейи тўлиқ таъмирланиб, экспозицияси бойитилган ҳолда фаолият бошлади. Эндиликда адиб ижоди билан танишиш, уни мукаммал ўрганиш баробарида ўқувчи ва талаба-ёшлар учун адабиёт дарслари, маънавият сабоқлари, маърифий тадбирлар учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиши учун уй-музейда барча шароитлар яратилган.**

**● Республика Киночилар уйида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, «Кино ва телевидениеда спорт» халқаро федерацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, юртимиздаги бир қатор спорт федерациялари, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида «Кино ва телевидениеда спорт» мавзуида иккинчи халқаро фестиваль ташкил этилди.**

**● Эртага «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар компаниясининг марказий павильонида «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари — InfoComExpo Uzbekistan—2007» 8-ўзбек халқаро кўргазмаси очилади.**

**● Самарқанддаги «Panorama-grand» меҳмонхонасида республикамиздаги молия, ижтимоий таъминот идоралари, иқтисодчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Натижага мослашган бюджетлаштириш ва ўрта муддатли бюджет стратегияси» мавзуида ўқув-тренинг ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси маълумотларига кўра, 2007 йилнинг 1 сентябрига келиб юртимиздаги уяли алоқа абонентлари сони 4 миллион 269 мингтага етди. Биргина жорий йил август ойида мамлакатимизда мобиль алоқа абонентлари сони 314 мингтага кўпайди.**

**● «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Тошкентдан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига иккита саломатлик поезди жўнаб кетди.**

### ЖАҲОНДА

**● Краснодар ўлкасидаги Туапсе шаҳрида 3 майдан буён ёғингарчилик кузатилмаганлиги ва оқибатда шаҳарнинг марказлашган сув таъминоти издан чиққанлиги сабабли 12 минг нафар киши, шу жумладан 3 минг нафар болалар ичимлик сувисиз қолган. Мазкур вазият билан боғлиқ тарзда фавқулодда ҳолат тартиби жорий этилган.**

**● Японияда 10 ой давомида Ойни кенг миқёсда тадқиқ этиш учун мўлжалланган «Кагуя» тадқиқот мажмуасининг H2A ракетаси воситасидаги парвози муваффақиятли амалга оширилди.**

**● «Франс-пресс»нинг хабар беришича, бу йил Буюк Британия ёзи ёмғирга мўл бўлди. Ёмғирнинг бундай кўп ёғиши мамлакатда 1914 йилдан буён қайд этилмаган эди. Британия метеорология хизмати ҳисобномасига кўра, жорий йил 28 августгача оролга 358,5 миллиметр миқдорда ёмғир тушган. Бу кўрсаткич 1956 йилги рекорддан ошиб кетди.**

**● Япония бош вазири Синдзо Абэ кўпчилик хорижий кузатувчиларни ҳайратда қолдириб, истеъфога чиқди. Токиода ўтказилган шошилинч матбуот анжуманида бош вазирнинг ўзи бу ҳақда баёнот берди. Янги бош вазирни сайлаш куни шу йилнинг 19 сентябрига белгиланди.**

**● Индонезия метеорология ва геофизика миллий бошқармаси берган маълумотларга асосланиб «Новости» ААнинг хабар қилишича, мамлакатда бир кеча-кундузда 41 марта ер силкиниши юз берди. Ер силкинишлари натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 киши эса турли даражада тан жароҳатлари олди.**

**● Ҳар йили Нью-Йоркнинг Блэксмит институти томонидан атроф-муҳити энг ифлосланган дунёнинг ўнта шаҳри рўйхати эълон қилинади. Бу йилги рўйхат жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Улар Россиянинг Дзержинск ва Норильск шаҳарлари, Украинанинг Чернобиль ва Озарбойжоннинг Сумгаит саноат марказлари, Хитойнинг Линфен ва Тианжин, Ҳиндистоннинг Сукинта ва Вапи, Перунинг Ла Оройя, Замбиянинг Кабве шаҳарларидир.**

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**РЕСПУБЛИКА** перенатал марказида оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш чораларига бағишлаб ўтказилган семинарда хорижлик экспертлар ҳам иштирок этишди.

● **«ШАРҚ** аёли» халқаро жамоат фонди ташаббуси билан шаҳримизнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати илм-фан тараққиётида олима аёлларнинг ўрни мавзуига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни 16 сентябрь — Озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб шаҳримизда ўтказилган тадбир «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан уюштирилди.

● **ҚУШЛАРНИНГ** пайдо бўлиши тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида шаҳримизда ташкил этилган «Фазиамус» клуби аъзолари Тян-шань тоғларига сафар уюштиришди.

●**ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида шифокорлар иштирокида уюштирилган тадбир гриппга қарши кураш чораларига бағишланди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги 36-ёрдамчи меҳнат таълими ўқув муассасасига Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» микроавтобуси туҳфа этилди.

● **«АДОЛАТ»** социал-демократик партияси сиёсий Кенгашининг VII пленумида жамият тараққиёти ривожида сиёсий партияларнинг роли муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ Демократик партияси томонидан уюштирилган семинар-тренинг партия аъзолари ва фаолларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш масаласига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Тадбиркорлик*

## РАҚОБАТБАРДОШ ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА 2003 ЙИЛДА ТАШКИЛ ТОПГАН «EAST-KOLOR» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БЎЛИБ, УНИНГ ЦЕХЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИКДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА.**



Шунингдек, корхонада тайёрланаётган товарларнинг хорижий харидорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқдаки, бу экспорт ҳажмини оширишда, албатта муҳим аҳамият касб этади, тадбиркорларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида қўшаётган улуши салмоғи ҳам ортади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган қисқа муддат ичида цехлардаги юксак унумли технологик линиялар қуввати, юқори сифатли хом ашёдан фойдаланиш туфайли йилига ишлаб чиқариш ҳажми 100 фоиздан ортиб бормоқда. Лок-бўёқ маҳсулотининг турлари устида олиб борилган изланишлар туфайли улар 50 хилдан ортиб кетди. Мамлакатимиздаги йирик қурилиш ташкилотлари ва фирмалари талабини қондириш баробарида маҳсулотлар Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

— «EAST-KOLOR» инглиз тилидан таржима қилинганда, шарқ бўёқлари маъносини англатади, — дейди корхона раҳбари Геннадий Газиев. — Бизнинг шарқ анъаналари руҳида тарбияланган жамоамиз аҳли Шарқ бўёқларининг такрорланмас жилоларини ўз маҳсулотларида акс этишига саъй-ҳаракат қилади. Шу боис ҳам лок-бўёқ маҳсулотлари турини бозор ва харидор талаби, дид ва эҳтиёжи асосида янгилаб борамиз. Сифатга қаратган доимий эътиборимиз эса буюртмаларнинг ортишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Корхонамизда «Ўзстандарт» агентлиги аттестациясидан ўтган синов лабораториямиз фаолият кўрсатиб, барча керакли хом ашё ва тайёр маҳсулотлар сифатини назорат қилиш имконияти мавжуд ва бунга қатъий амал қилинади. Жамоамизда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси олдиндан махсус ўқув тайёргарликдан ўтиб, ихтисослик комиссиясига имтиҳон топширади. Шу боис бўлса керак ходимларимизнинг малакаси етарли, бу эса муваффақиятларимизда самара бермоқда.

Бугунги кунда корхонада 150 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, ҳар йили қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Бу, шубҳасиз ишлаб чиқариш ҳажмининг ортаётгани натижасидир. Уларнинг соғлиқларини тиклашга аҳамият қаратилади, махсус иш кийимлари билан таъминланади.



Жорий йилнинг биринчи ярмида корхонада 1500 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида корхонанинг ҳудудий омборхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Цехларда ишлаб чиқарилаётган ва талаб ҳамда эҳтиёждан келиб чиқиб қадоқланаётган ички ва ташқи безакда ишлатиладиган сувли бўёқлар, эмал, суюқ ойна, сувли акрил бўёғи, «ПВА» елими, «Хопер» безак қурилиш ашёси харидорларни ҳар томонлама жалб этмоқда. «Хопер» безак қурилиш ашёси энг юқори технологиялар асосида тайёрланган бўлиб, экологик тоза, деворларга алоҳида жозиба бахш этади. Шунингдек, яна бир янги маҳсулот — «Shpakril-EC юқори сифатли шпаклевка ҳам пардоз ишлари учун ишлатилиб, импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради.

Корхона муваффақиятлари хусусида тўхталар эканмиз, уларнинг Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Ҳамза туманида икки бора ғолиб бўлганини, «Ташаббус—2006» кўрик-танлови пойтахт босқичида 1-ўринни эгаллаганини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, куни кеча Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган —2007» кўргазмасида III даражали диплом билан тақдирланишди.

Яқинда корхона мутахассисларининг изланишлари самара бериб қуруқ қурилиш аралашмалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги ҳудудга эга бўлишди. Бу эса яна 100 нафар янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради. Албатта, маҳсулотнинг рақобатбардош турлари ҳам ортади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корҳона оператори Евгений Ражабов, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис Дилшод Самадов ва уста Николай Давиденко; тайёр маҳсулотлар.**

**Азамат Аҳмадов олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТНИ ФАОЛ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, АКАДЕМИК, ЭКСПЕРТ, ДИПЛОМАТИЯ ДОИРАЛАРИДА, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ. БУНДА ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕК ДАВЛАТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИНИ ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАОЛ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАВРИ, ДЕБ ТАЪРИФЛАГАНИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.**

Президент Ислом Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **РФ Сиёсий конъюктура маркази эксперти Евгений Войко** қуйидагиларни қайд этди: «Айни пайтда ўзини сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан намоён этаётганини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонни муваффақиятли мамлакат, деб аташ мумкин. Ўзбекистон нафақат минтақада, балки халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамият касб этадики, хорижий шериклар томонидан республикага қаратилаётган катта эътибор бундан далолат бериб турди».

Е.Войконинг фикрича, Ўзбекистон давлати раҳбарининг маърузаси нафақат мамлакат тараққиёти иккинчи босқичининг муваффақиятларини, балки мустақилликнинг биринчи кунларидаги қийинчиликларни ҳам ёдга солиши билан ҳам қизиқарлидир. «Бироқ, дейди россиялик эксперт, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даражаси мустақиллик эълон қилинганидан кейинги дастлабки йиллардагидан кескин фарқ қилади. Асосий фарқ устуворлик ўзгарганида кўринади. Агар дастлабки пайтда ривожланиш, аниқроқ қилиб айтганда, янги иқтисодиётни қайта барпо этиш устувор аҳамият касб этган бўлса, ҳозир давлат томонидан катта эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилмоқда».

**Японияning собиқ молия вазири, Тойо университети фахрий ректори М.Шиокава** Осиёдаги саноати тараққий этган етакчи мамлакатлар, шу жумладан, Япониянинг ривожланиши тарихини ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ва самарали тарзда рўёбга чиқаришга асосланган Ўзбекистон Республикасининг замонавий ва жадал давлат қурилиши билан таҳлилий таққослаш республика раҳбарияти сиёсатининг узоқни кўра билиши ва самарадорлигини кўрсатади, дея қайд этди.

Президент И.Каримов маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг долзарблигини таъкидлар экан, М.Шиокава республикамиздаги иқтисодиёт барқарор ўсишининг суръатларини таъминлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида юқори рентабелли тармоқларни яратиш, шунингдек, миллий кадрлар тайёрлаш учун зарурий кафолат бўлган сиёсий барқарорликнинг даражасига юқори баҳо берди.

**Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси, профессор Ситхард Саксена** Президент И.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, Ўзбекистонда танланган ва рўёбга чиқарилаётган давлат ривожланишининг ўз модели тўғрилигига ишонч билдиргани ҳолда бу моделнинг ҳаётга тадбиқ этилиши босқичлари маърузада аниқ-равшан ўз ифодасини топганини қайд этди. Профессор С.Саксена республика раҳбариятининг барқарорликка эришиш ва Ўзбекистондаги жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги ролини алоҳида таъкидлади.

**«Уч дин форуми» халқаро ташкилоти директори Сидин Шиптон** қайд этганидек, кўп миллатли аҳоли ўртасида тинчлик ва тотувлик таъминлангани, турли диний конфессиялар вакиллари дўстона ва бир-бирини тўғри тушунган ҳолда яшаётгани Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари давомида эришган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. С.Шиптон республикадаги мусулмон, христиан ва яҳудий жамоаларининг етакчилари иштирокида динлараро уйғунликка эришиш бўйича Ўзбекистон тажрибасига бағишлаб шу йил июнь ойида Лондонда ўтказилган семинарни катта муваффақият ва намуна бўлса арзийдиган мисол, деб баҳолади. Тадбир жуда самарали бўлди – у нафақат Британиянинг диний доираларида, балки Лондон дипломатия корпусида ҳам катта қизиқиш уйғотдики, аллақачон қатор элчихоналар форумимизга «ўзбек модели» бўйича семинар ўтказиш таклифи билан мурожаат қилишди, дейди у.

**Қирғизистонлик академик Р.Раҳмоналиев**нинг баҳо беришича, «Ўзбекистон Республикаси мустақил миллий давлат сифатида жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожлантиришни Президент томонидан ишлаб чиқилган дастур асосига қўйди ва бу жараён изчил давом этмоқдаки, 5 тамойил унинг муҳим қирраларини ўзида ифода этган».

Р.Раҳмоналиевнинг қайд этишича, «бу беш тамойил сингари замонавий Ўзбекистондаги «янги уй қурмай туриб эскисини бузма» шиори ҳам бугун ҳаммага маълумдир. Президент Ислом Каримов ўз маърузасида қайд этганидек, мустақиллик шароитида Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққиётининг асосий ғояси миллий қадриятлар сақланган ва мустаҳкамлангани, халқнинг менталитетига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлингани ҳолда демократик давлат барпо этишда жаҳон тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлди. Академикнинг таъкидлашича, «...Ўзбекистоннинг барча муваффақиятлари Президентнинг хизмати ҳисобланади: Ислом Каримов масъулиятли ва чуқур мушоҳадали сиёсатчидир, у ўзбек жамияти олдида турган жорий ва истиқболдаги вазифаларни теран идрок этади».

*(Давоми 2-бетда).*

# ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА
# ЖИДДИЙ СИНОВ

**НАВБАТДАГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ШУ ВАҚТГАЧА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ДАРАЖАДА КЎП — 11 ТА ШАҲАР ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ЭДИ. ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ НОМЗОД ШАҲАРЛАР — АЛЕКСАНДРИЯ, БАРСЕЛОНА, БЕРЛИН, БУДАПЕШТ, БУЭНОС-АЙРЕС, ДУБЛИН, КЕЛЬН, НЮРЕНБУГ, ФРАНКФУРТ-МАЙН, РИМ, ХЕЛЬСИНКИ ОРАСИДАН МЕЗБОНЛИККА БЕВОСИТА ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИНИ ТАНЛАГАНЛИГИ ЖАҲОН СПОРТ ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ОММАВИЙ НОРОЗИЛИГИГА САБАБ БЎЛДИ.**

Умуман бу Ўйинлар олимпия ҳаракати учун жиддий синов бўлди. 1933 йилда Гитлер мамлакатда ҳокимият тепасига келгач, ХОҚ Президенти Анри де Байе-Латер Германия раҳбариятига мезбонлар Олимпия хартиясига қатъий амал этишлари ҳақида кафолат берилиши ёки Ўйинларни ўтказишдан



**СУРАТДА: Берлин Олимпиадасининг энг яхши спортчиси, тўрт карра чемпион Жесси Оуэнс. У АҚШнинг Огайо штатидаги Колумбус шаҳри университети студентлиги вақтида — 1935 йил 25 майда енгил атлетикачилар ўртасида биринчи бўлиб узунликка сакрашда саккиз метрлик маррадан ўзган эди. Ўшанда у мисли кўрилмаган жаҳон рекорди ўрнатди — 8 метр 13 сантиметр узунликка сакради. Унинг ўн биринчи Олимпиадада ўрнатган олимпия рекордлари — 100 метрга югуришда 10,3 секунд, 200 метрга — 20,7 секунд ҳамда 4х100 метрга эстафетада жамоадошлари билан қайд этган жаҳон рекорди — 39,8 секундлик натижаларига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.**

ўзлари ихтиёрий равишда воз кечишлари талаби билан расман мурожаат этди. Бу кафолатлар берилганига қарамасдан Гитлер Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолари бўлган, Германияда Ёзги ва Қишки Олимпиадаларни ўтказиш ташкилий қўмиталарига бошчилик қилаётган Теодор Льюволд ҳамда Карл Риттер фон Хальтни вазифаларидан бўшатиб, уларни спорт ишлари бўйича давлат директори этиб тайинланган Г.Остен билан алмаштиришга қарор қилди. Байе-Латур Германияга Олимпиадани ўтказиш шарафи бу давлатнинг ХОҚда ана шу вакиллари бўлганликлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда берилганлиги, агар улар вазифаларидан четлаштириладиган бўлсалар, немислар мезбонлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишларини расмий баён этишига тўғри келди. Бу қатъият олдида Гитлер ён босишга мажбур бўлди.

Жаҳон жамоатчилиги босими остида ХОҚ Германия томонидан Олимпиадада спортчиларга нисбатан бирор камситишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги аниқ-равшан кафолатларни ҳам талаб этди. Чунки бу пайтга келиб турли сабаблар билан яҳудий миллатига мансуб спортчиларни Олимпиадада иштирок этишларига йўл қўймасликка қаратилган уринишлар бошлаб юборилган эди. Маъмурлар ХОҚ Олимпиадани бошқа жойда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши, оқибатда сарф этилаётган жуда катта маблағ зое кетиши мумкинлигидан хавфсираб, тишни-тишга қўйиб бўлса ҳам ўз тамойиллари ва ғояларидан вақтинча чекинишга мажбур бўлдилар. Германия ички ишлар вазирлиги топшириғига мувофиқ Ташкилий қўмита вакиллари Халқаро Олимпиада Қўмитасининг 1933 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида барча яҳудий спортчиларнинг ҳеч бир чеклашларсиз Ўйинларда иштирок этишлари таъминланиши ҳақида баёнот бердилар.

Германия раҳбариятининг бу кафолатлари ва ваъдаларига қарамасдан 1936 йил Парижда Олимпиада ғояларини ҳимоя этиш мақсади кўзланиб чақирилган анжуманда XI Олимпиада ўйинларини фашистлар Германиясида ўтказиш Олимпиада тамойилларига зид эканлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.



**СУРАТДА: спорт гимнастикаси бўйича ўн биринчи Олимпиада ўйинлари чемпиони немис Альфред Шварцман машқ бажармоқда. У жамоа таркибида, шахсий кўпкурашда, алоҳида машқда – жами учта олтин ҳамда алоҳида машқларда яна иккита бронза медаль соҳиби бўлди.**

Анжуман иштирокчилари Барселонада Халқ Олимпиадасини ўтказиш ташаббусини илгари сурдилар. Фақат Испанияда фуқаролар урушининг бошланиб кетганлиги бу ғояни амалга ошириш имконини бермади.

Берлин Олимпиадаси ташкилотчилари 1936 йил 1-16 августдаги Ўйинлар юксак савияда ўтиши учун энг замонавий спорт иншоотлари бунёд этдилар, спортчилар, улар мураббийлари, журналистлар, меҳмонларга барча шароитларни муҳайё этдилар. Аммо бу саъй-ҳаракатлардан олимпия ғояларига мутлақо зид — олий ирқ устунлигини намойиш этиш мақсади кўзланган эди. Шу сабабли ҳам ХОҚ томонидан олимпия ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисолада "Бу Ўйинларда милитаризм ва нацизм кучли руҳи ҳукмрон эди", деб таъкидланади.

Германиянинг XI Олимпиада ўйинларини алоҳида кўз-кўз қилишга астойдил интилишлари бесамар кетмади. Берлинга биринчи маротаба 49 мамлакатдан 4066 спортчи, шу жумладан 328 аёл келди. Олимпиадага илк бор Афғонистон, Бермуд ороллари, Боливия, Коста-Рика, Лихтенштейн, Перу миллий терма жамоаларини йўлладилар. Мусобақалар дастури спортнинг янги турлари билан тўлдирилди.

Халқаро байдарка ва каноэда эшкак эшиш федерацияси 1924 йилда ташкил этилган бўлса ҳам спортнинг бу тури фақат Берлин Олимпиадасидан бошлаб мусобақалар дастуридан ўрин олди. Байдаркада эшкак эшишнинг олимпия тури якка, жуфт ва тўрт кишилик қайиқлардаги мусобақалардан иборатдир. Каноэда эса якка ва жуфтлик қайиқларда куч синашилади. Олимпиада мусобақаларида ҳар бир мамлакатдан энг кўпи билан 17, шу жумладан 4 нафар заҳирадаги спортчи иштирок этишига рухсат берилади.

Баскетболнинг ҳам Олимпиада дастурига киритилиши Ўйинларга қизиқишнинг янада ортишига олиб келди. Ҳозир энг кўп — 211 миллий федерацияни бирлаштириб турган Халқаро ҳаваскор баскетбол федерацияси — ФИБА бундан аввалги бир неча Олимпиадаларда баскетбол бўйича кўргазмали мусобақалар ўтказди. У белгилаган тартибга кўра баскетбол бўйича эркаклар ва аёллар ўртасидаги олимпия турнирида жаҳонда энг кучли 12 тадан (1996 йилгача аёллар ўртасида 8 та) ҳаваскор жамоа иштирок этади.

Халқаро гандбол федерацияси — ИГФ (1946 йилгача Халқаро ҳаваскор гандбол федерацияси — ИАГФ) ҳам ўз спорт турини ўн биринчи Олимпиада ўйинлари дастурига киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, аёллар ўртасида гимнастика мусобақалари ҳам яна тикланди.

Германия бу Олимпиадада ўз устунлигини намойиш этиш учун ҳамма имкониятларни ишга солди. Бу давлат миллий терма жамоаси энг кўп сонли — 406 нафар спортчидан иборат эди. Улар мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрганликлари, шунингдек Олимпиада ўйинлари доирасида ўтказилган санъат танловида олтин медалларнинг кўпини (9 тадан 5 тасини) олишга муваффақ бўлганликлари туфайли норасмий умумжамоа ҳисобида юксак натижа кўрсата олдилар.

Немис олимпиадачилари 573,7 очко ва 89 та (33 та олтин, 26 та кумуш, 30 та бронза) медални қўлга киритдилар.

Аммо бу улкан ғалаба ҳам нацистларга ўз ирқчи сиёсатларини асослаш учун кўмак бера олмади. Жумладан, АҚШ миллий терма жамоасидаги 10 нафар қора танли енгил атлетикачи олтита биринчи, учта иккинчи, иккита учинчи натижа кўрсатиб, 11 та медаль соҳиби бўлдилар. Алабамалик негр Жесси Оуэнс эса Олимпиада дастуридаги бир йўла тўртта мусобақада — 100 ва 200 метрга югуриш, 4х100 метрга эстафета ҳамда узунликка сакрашда ғолиб чиқди. Шунинг учун ҳам кўпинча Берлиндаги Ўйинларга "Жесси Оуэнс Олимпиадаси" таърифи берилади.

Оғир атлетикачилар мусобақаларида мисрлик Саид ал-Туни кўрсатган маҳорат спорт ихлосмандларини лол қолдирди. 75 килограммгача вазнда у уч курашда кўрсатган 387,5 килограммлик натижа иккинчи ўринни эгаллаган рақибиникидан 35 килограмм, 82,5 килограммгача вазнлик оғир атлетикачилар ўртасидаги ғолиб чиққан француз Луи Остинникидан ҳам 15 килограмм оғир эди.

Яна бир француз Р.Шарпантье шахсий ва жамоа таркибида велосипедда шоссedaги пойгада, шунингдек 4000 метрга жамоа пойгасида учта олтин медаль олди. АҚШлик ўн уч ёшли Мажари Гестринг эса сувга трамплиндан сакрашда ғолиб чиқиб, аёллар ўртасида энг ёш Олимпиада чемпиони бўлди.

Берлин Олимпиадаси дастуридан яна футболга ўрин берилди. Бундан икки йил аввал жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Италия шарафини Олимпиадада белгиланган тартибга мувофиқ ҳаваскор футболчилар ҳимоя қилган бўлсаларда, улар рақибларига бирор имконият қолдирмадилар. АҚШ (1:0), Япония (8:0), Норвегия (2:1) жамоаларидан кучли эканликларини исботлаган италияликлар финалда австралияликлар дарбозасига битта жавобсиз тўп киритиб, олимпиада чемпиони ҳам бўлдилар. Учинчи ўрин Польша жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган норвегияликларга насиб этди.



**СУРАТДА: 1500 метрга эркин усулда сузиш бўйича Берлин Олимпиадаси чемпиони япониялик Нобору Терада.**

Норасмий умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейинги иккинчи ўринни 403,3 очко ва 56 та (24 та олтин, 20 та кумуш, 12 та бронза) медаль билан АҚШ олимпиадачилари, учинчи ўринни 167,6 очко ва 22 та (8 та олтин, 9 та кумуш, 5 та бронза) медаль билан италияликлар қўлга киритдилар.

IV Қишки Олимпиада ўйинлари ҳам Германияда — 1936 йил 6-16 февралда Гармиш-Партенкирхенда ўтказилди. Улар қишки спорт турларини ривожлантиришда жиддий аҳамиятга эга бўлди. Мусобақалар дастури тоғ чанғиси спорти (эркаклар ва аёллар ўртасида қўшкураш — тепаликдан чанғида тушиш ва слалом) ҳамда 4х10 километрга эстафета билан бойиди.



**СУРАТДА: ўн биринчи Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган 3000 метрга тўсиқлар оша югуриш. Маррага фин Волмари Исо Холло (олдинда) интилмоқда. У бу масофада 9 минут 3,8 секунд натижа кўрсатиб, Олимпиада чемпиони бўлди.**

Гармиш-Партенкирхенга аввалги Қишки Олимпиадага нисбатан икки ярим баравар кўп — 28 мамлакатдан 756 спортчи, шу жумладан 76 аёл келди.

Норвегияликлар қиш спортидаги ўз мавқеларини яна тиклашга муваффақ бўлдилар. Улар 7 олтин медални қўлга киритдилар. Бунда уч карра Олимпиада чемпиони Ивар Баллангруднинг алоҳида ҳиссаси бор.

Шайбали хоккей бўйича Буюк Британия жамоасининг мутлақ енгилмас ҳисобланган канадаликларни мағлубиятга учратиб, Олимпиада чемпиони бўлганликлари ҳамма учун кутилмаган воқеа, деб баҳоланди. Аммо бу "фавқулодда муваффақият" сири тезда ошкор бўлди. Инглизлар жамоаси етакчи хоккейчилари йигирманчи аср ўттизинчи йиллари бошида Буюк Британияга Канададан кўчиб келган, у ердаги хоккей клубларида маҳорат орттирган ўйинчилардан иборат экан.



**СУРАТДА: тўртинчи Қишки Олимпиада ўйинларида конькида 500,5000 ва 10000 метрга югуришда олтин, 1500 метр масофага кумуш медалларга сазовор бўлган норвегиялик Ивар Баллангруд.**

Қишки Олимпиадада Германия мезбонлик имкониятларидан фойдаланиб, норасмий умумжамоа ҳисобида пешқадам бўлишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин бунга қурби етмади. 100 очко ва 15 та (7 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медаль билан норвегияликлар умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлдан бермадилар.

Берлиндаги XI Олимпиада ўйинларидан роппа-роса бир ойдан сўнг Тошкентда Ўзбекистоннинг II спартакиадаси тантанали суратда очилди. Унда Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ташкил топган 1924 йилда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 1500 нафардан иборат бўлган бўлса, 1936 йилда улар сони 125 мингга етганлиги тўла ғурур билан таъкидланди. Ана шу спортчиларнинг энг кучли 1500 нафари республика спартакиадасининг финал қисмида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Спартакиадада 36 та республика, шу жумладан 5 та Иттифоқ рекорди ўрнатилди. Жумладан, 100 метрга югуришда Евгений Пуцилло 10,9 секунд, Виталий Цехмистренко 1500 метрга югуришда 4 минут 19,5 секунд, Татьяна Беседова узунликка сакрашда 5 метр 21 сантиметр, Тося Коцерова ядро улоқтиришда 18 метр 13 сантиметр, Лиля Шатерникова 100 метрга югуришда 13 секунд, жойидан туриб баландликка сакрашда 118 сантиметр, Богуславский лангар билан сакрашда 3 метр 33 сантиметр натижа кўрсатдилар. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон рекордлари эди.

Иттифоқ рекордларини эса спартакиада меҳмонлари сифатида иштирок этган номдор спортчилар ўрнатдилар. Улардан ленинградлик Рохлиннинг Тошкентда кўрсатган баландликка сакрашдаги 180 сантиметр, Роберт Люльконинг 100 метрга югуришдаги 10,7 секунд, Мария Шамpraнованинг 100 метрга югуришдаги 12,2 секунд кўрсаткичлари ана шу рекорд натижалар эди.

Мусобақаларда маҳаллий спортчилар ҳам фаол иштирок эта бошлаганликлари диққатга сазовордир. Енгил атлетикачи Ҳасанова 1000 метрга югуришда Иттифоқ чемпиони Васильева билан ёнма-ён йўлакчаларда беллашди. Раҳбар Султонова эса 100 метрга югуриш мусобақаларида қатнашди. Ўзбекистон спорчилари Иттифоқ мусобақаларида ҳам ғолиб чиқа бошладилар. Жиззахлик Тошматов Москвада от спорти бўйича бўлиб ўтган Иттифоқ биринчилигида "Жангчи" лақабли отида маррага биринчи бўлиб келди.

Спартакиада меҳмонларидан бири, бокс бўйича Иттифоқ чемпиони ереванлик Андрей Паньян Ўзбекистонда спортни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, республикада сув спортини равнақ топтириш учун сунъий ҳавзалар қуриш кераклигини ҳам таъкидлаган эди. Худди шу пайтда Тошкентда ҳам, Ўзбекистонда ҳам биринчи ўша вақтдаги номланишига кўра сув-спорт комбинати қурилиши бошланган эди. Унинг биринчи навбати 1937 йилда ишга тушди.

Ўзбекистонда нафақат Иттифоқ, балки жаҳон миқёсида ҳам энг кучли спортчилар билан беллаша оладиган ўринбосарлар етишиб келаётган эди. Бу республика спартакиадаси арафасида ўтказилган талаба ёшлар спартакиадасида ёрқин исботини топди. Унда 20 та республика ва 5 та Иттифоқ рекорди ўрнатилди.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

*Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига*

# ҲАССОС СЎЗ САНЪАТКОРИ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РИВОЖИГА, МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ҲАССОС ИЖОДКОРЛАР КЎП. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚАРОРИ БИЛАН ШУ КУНЛАРДА ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АНА ШУНДАЙ ЕТУК СЎЗ САНЪАТКОРЛАРИДАН БИРИДИР.**

Ўзбекистон Фанлар академиясида "Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ё.Абдураҳмонов, адабиётшунос олимлар Б.Назаров, У.Норматов ва бошқалар мамлакатимизда маънавий-маърифий жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси, бу жараёнда Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўзига хос ўрни хусусида сўзладилар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда адабиётимиз ривожига муносиб улуш қўшган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни ёшларимиз онг-шуурига чуқур сингдириш, маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мамлакатимизда А.Қаҳҳор юбилейини кенг кўламда нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Жумладан, адабиётшунос, тилшунос ва манбашунос олимларимиз Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганиш ва ундан халқимизни тўла хабардор этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада барча оммавий ахборот воситаларида мақола, туркум эшиттириш ва кўрсатувлар бериб борилаётир. Бир нечта рисола ва илмий тўпламлар чоп этилди. Ёзувчининг "Танланган асарлар" тўплами ва адибнинг умр йўлдоши К.Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" китоби нашр этилди.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, лицей, коллеж ва мактабларда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ёзувчи асарлари асосида спектакль ва телекўрсатувлар, адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида икки қисмли ҳужжатли фильм яратилди.

Анжуманда ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, Абдулла Қаҳҳорнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси, унинг асарларида илгари сурилган умуминсоний ғояларнинг ёш авлод камолотидаги ўрни хусусида маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида адиб асарлари, унинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятига оид нодир манбалар кўргазмаси намойиш этилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

# ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТБОПЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР ҚУВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Пойтахтимиздаги «Holos» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам маҳсулот экспортини амалга ошираётган жамоалар сирасидан ҳисобланиб, йилига 6 миллион погон метр товар ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Корхона маҳсулотларига хорижлик харидорлар қаторида Болгария, Корея ва АҚШ сингари давлатлар бор. Албатта, бу корхона аҳлининг жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрлаётганидан дарак беради. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги полипропилен қоплар Россия ва Туркиядан келтирилган хом ашёдан фойдаланиб тайёрланади.

Шуни айтиш жоизки, корхона тадбиркорлари 2002-2006 йиллар мобайнида тайёрлаган маҳсулот миқдори 3 миллиард 284 миллион сўмдан зиёдни ташкил этиб, 100 миллион сўмлик рақобатбардош товарлар четга чиқарилди. Банкдан олинган молиявий кўмак — кредитдан янги дастгоҳ ва ускуналар, хом ашё келтиришда самарали фойдаланилгани боис ишлаб чиқариш ҳажми ортди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Бугунги бозор иқтисодиёти тадбиркордан яратилган имкониятдан оқилона фойдаланишни, янгиликлар яратиш йўлида изланишни талаб этади. «HOLOS»чилар ҳам янги йўналишлар бўйича изланишмоқдаки, яқин келгусида уларнинг натижасида тайёрланадиган бунёдкорлик ашёлари турларида яққол акс этади. Улар ғишт ҳамда кафель ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиб бунёдкорлик ишларига салмоқли ҳисса қўшиш ниятида.

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ХОРИЖҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА, ҚУРИЛИШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ ҲАМ АМАЛГА ОШИРАДИ.**

Шунинг баробарида тадбиркорлар қурилиш жиҳозларини ҳам тайёрлашни йўлга қўйишган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашё ва ускуналари нафақат юртимиз вилоятларида харидоргир, балки улар Россия, Афғонистон, Қозоғистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган пенобетон қурилиш ашёсидан республикамизнинг бунёдкорлик майдонларида кенг қўлланилмоқда. Ушбу маҳсулот немис технологияси асосида ишлаб чиқарилади ва ишлатишга қулайлиги, енгил ҳамда мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

— Ушбу технология асосида жаҳоннинг 30 дан зиёд давлатларида юз мингдан ортиқ бино ва иншоотлар қад ростлаган, — дейди компания бошқаруви раиси Ғуломиддин Зуфаров. — Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда ушбу қурилиш ашёсидан кенг фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам биз ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки маҳсулотимизнинг сифати ва мустаҳкамлиги янги-янги буюртмачилар эътиборини тортмоқда. Ушбу маҳсулотдан фойдаланиб тикланган девор ёзда салқинни, қишда иссиқни сақлаб туради, у экологик тозалиги билан эътиборлидир.

Энг асосийси компания тадбиркорлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида иш юритиб маҳаллий хом ашёдан фойдаланмоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, корхона мутахассислари буюртма асосида пенобетон ишлаб чиқариш учун ускуналарни ҳам тайёрлаб боришади. Келгусида корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш баробарида 100 нафар янги ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган.

**Жамшид КАМОЛОВ**

